



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

# ЖАМИЯТ

№ 48-49 (822)  
2022 йил  
8 декабрь,  
Пайшанба



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

## ЭЛНИНГ ОЛДИДАН ЎТАМИЗ...

Бизнинг нимамиз кўп,  
бемаъза йиғину тадбир,  
маросимимиз кўп. Гап айланиб-  
айланиб еб-ичишга тақалади.  
Қорин ғами. Наҳотки, шунча иш  
турганда фақат таомга боғланиб  
қолган бўлсак. Яна соғлигимиздан  
шикоят қилиб нолиб қўямиз. Бечора организм нима қилсин?



2



ОДАМЛАР  
ТАШВИШИ

БИЛАН ЯШАШ — ВАОДАТ

## СНІККЕН BOUTUGUE

СЎЗИМИЗ —  
ЎЗЛИГИМИЗ  
КЎЗГУСИ

9

## ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ



Ватанимизнинг бир неча минг  
йиллик тарихида мутлақо янги  
саҳифа очилди. Янги Ўзбекистон  
аталмиш мамлакатимизда ҳаётнинг  
сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва

Инсоннинг кадр-қиммати, шаъни ва ғурури  
бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда  
туриши зарур.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

маданий соҳаларида  
улкан ишлар амалга  
оширилмоқда. Бар-  
ча имкониятлар инсон  
учун, инсон қадри учун!

Сўнги йилларда Ўзбе-  
кистонда ислохотларнинг бош  
мақсади ҳамда тараққиётнинг асл  
моҳияти инсонни улуғлашга, уни  
кадрлашга қаратилган. 2022 йил-  
нинг номи ҳам бежиз “Инсон қа-  
дрини улуғлаш ва фаол маҳалла  
йили” деб номланмаган. Бугунги

кунда энг муҳим ва долзарб маса-  
лалардан бири ижтимоий ҳимояга  
мухтож оилаларни қўллаб-қув-  
ватлаш давлат сиёсатига айланди.

Президентимиз Шавкат  
Мирзиёев шундай деган эди: “Ҳар  
қандай жамиятнинг маданиятли-  
лик, бағрикенглик ва меҳрибонлик  
хусусиятлари имконияти чеклан-  
ган, ногиронлиги бўлган, боқув-  
чисини йўқотган шахслар ва кек-  
саларга бўлган муносабати билан  
белгиланади”. Дарҳақиқат, ўзбек

халқи ўзининг маданиятлилиги,  
бағрикенглиги ва болажонлиги би-  
лан барча миллатлар орасида ажра-  
либ турган, ҳар бир даврда ўрناк  
бўладиган ишлар қилинган.

Ўтган асрларда Ўрта Осиёда  
масжиду мадрасаларнинг қошла-  
рида фақир мискинларга бошпа-  
налар ажратилган ва яқин атрофда  
яшайдиган кўни-қўшнилари то-  
монидан таомлар улашилган. Энг  
асосийси, Амир Темур даврида  
ногиронлар учун нафақаларнинг  
жорий қилиниши ижтимоий ҳи-  
моя тизими анча илгари вужудга  
келганлигини кўрсатади.

(Давоми 5-саҳифада)

*«Элнинг олдидан ўтишим керак», деган гап тез-тез қулоққа чалинади. Бу гапни эшитиб одам яйраб кетади. Акамиз запарвар эканлар-да! Қани эл бахтига акага ўхшаганлар кўпайса, зора ривожланиб кетармидик, деган ўй лоп этиб, хаёлга келади. Хўш, суҳбатдошимиз нимани қойиллатиб элни рози қилмоқчи эканлар, дея беихтиёр шодланиб савол берасан. Жанобнинг оғиз тўлдириб гапиришлари ҳафсалани пир қилади. Жавобларни эшитиб кўнгул ниҳоятда хира тортади.*

Савол бермасам бўларкан, дея ўйлайсан. Жон қулоқ билан тинглаб турганинда акамиз берилиб сўзлай бошлайди:

– Йигирма тўққизга кирган ўғлимни уйлашим керак. Тўйига тоза арақ олдим, энди икки юз кило лазерни энг зўридан олиб, беш йилдан бери боқувдаги ҳўкизни сўйишим керак.

– Ўғлингиз катта бўп қопти-ку, нега судраб юрибсиз. Аслида, у тенгиларнинг боласи ҳадемай мактабга чиқади.

– Болам, фалон йилдан бери чет элда, унаштирилганига фалон йил бўлди. У жўнатганларниям йиғиб кўйганмиз. Тўйига ишлатамиз. Ҳар якшанба келинниқига «бозор оқшом» элтамиз, унгаям фалон сўм кетади.

– Оғамиз роса хунарли йигит бўлса керак, чет элда ишларкан-ку! Чет элда қўлидан иш келадиганларни жуда кадрлаб, ҳурмат қилишаркан, деб эшитганман. Тагин ойликларини ҳам яхши эмиш. Кетганга яраша ўшандай у ёқда керакли, ноёб кадр бўлиб бориш керак-да.

– Ҳа, устага ғишт таширкан. Шу қилган арзимаган ишига фалон юз доллар беради. У ёқларда пул беман-да. Мана, маза қилиб ишлаб юрибди.

– Ҳай, майли. Қайда бўлсаям, жони соғ бўлса бўлди. Элнинг олдидан ўтиб, тўйни данғиллама қилганингиздан сўнг, куёвтўра нима иш қилади?

– Қизик савол берасан-а, нима қиларди. Тўйга олинган қарзни узиш учун яна кетади. Тўйига қарз кўтармасак бўлмайди. Элни олдидан ўтишим керак-ку.

Ортиқ савол бергинг келмайди. Элпарвар акага гапирганингдан ҳам, гаплашганингдан ҳам фойда йўқ. Ўз қобикларига ўралиб қолганлар. Бу қобикнинг охири эса... Бехуда қимматли вақтингни йўқотганинг қолади. Вақт эса увол. Аслида орзуси жўн бўлгани каби, бечора фарзандларини-да айби йўқ.

Элнинг олдидан ўтмоқчи бўлган акаларнинг жавоби кўпинча шунга ўхшаган бўлади. Асосан, қандайдир бир маросимни зўр ўтказиш. Бизнинг нимамиз кўп, бемаъза йиғину тадбир, маросимимиз кўп. Гап айланиб-айланиб еб-ичишга тақалади. Қорин ғами. Наҳотки, шунча иш турганда фақат таомга боғланиб қолган бўлсак. Яна соғлигимиздан шикоят қилиб нолиб қўямиз. Бечора организм нима қилсин? Кечқурун тўю базмда кетма-кет ейилган калорияси кучли овқатларни ҳазм қилишга

бир неча соат ҳаракат ва вақт керак. Биз ўзимизга маҳлиё бўлиб ичган ҳар хил спиртли ва газли ичимликларни-ку қони зарар. Биз эса уйга чарчаб бориб, беихтиёр ёстикни ўзимизга ошна қиламиз. Чарчаганда ҳаракат қилиш ёқармиди? Тагин эртага ишга



бориш керак. Баракалла организмимизга. Яна касалланаяпман деб, шикоят қилишга бало борми? Аслида, ҳаммасига ўзимиз сабабчимиз-ку. Тадбирвозлиг-у, базму жамшид. Гўё шу учунгина туғилгандекмиз. Ўзликни англаш вақти келмадимикан? Яхшиям барака топкур боболаримиз оламшумул ишлар қилиб кетишган. Бобом у ишни қилган, бу ишни қилган, дея ҳеч кимга гап бермаймиз... Ўзимиз-чи? Яна оғиз тўлдириб элнинг олдидан ўтиш ҳақида гапиримиз-а! Аввал ўзимизнинг, яъни виждоннинг олдидан ўтиб олайлик. Элнинг олдидан ўтиш қочиб кетмас.

Ҳай майли, нима ҳам қилардик. Элпарвар акани-ку, ўзгартириш менга ўхшаганларни қўлидан келмайди. Мендан зўрлар ҳам ҳаракат кип кўришган. Афсус, фойдаси йўқ. Жиллакурса, ислохотни ўзимизни ўзгартиришдан бошлайлик... Ҳар қалай ўзимизга куч тополармиз-ку!

Келинг, дўппини бошдан ечиб, бир ўйлаб кўрайлик. Сиз замон билан ҳамнафас, дунёдаги ўзгаришларга бефарқ бўлмаган одамсиз. Ахир бу ёғи 21 аср. Техника асри. Телевизорни қўйсангиз, жарангдор шиорларга дуч келасиз. Ҳар бир нарсага «Янги» сўзи қўшиб айтилаётган, бунданам чиройлироқ бўлган «Ренессанс» деган сўзлар урф бўлган замонада яшайпмиз. Бир ўйлаб кўринг, элнинг олдидан ўтиш наҳотки, сохта дабдаба ортида бўлса? Ёки ҳали қанақа асрда яшаётганимизни тўлиқ англаб етмадикми? Техника асрида, тош даври ғоялари билан юргандекмиз, гўё. Аслида, замонага мослашиш пайти

келди. Ҳадемай асримизнинг чорак қисмига етамиз. Биз эса, эскича қарашлардан ҳеч қутулолмаяпмиз. Тўғри айтасиз, «Одамлар нима дейди?» ахир.

Одамлар нима деса десин-у, келинг бир мушоҳада қилайлик. Аслида, элни ўйлаган одам, эл томонда бўлади. Ростдан элни ўйлайди. Оғриқларини ҳис қилади. Унинг оғриқларига дори, малҳам бўлади? Қандай қилиб? Масалан, дейлик боламизга хунар ёки касб ўргатиб... Уларни жамиятда ўрин топишига шароитлар яратиб бериб. Элпарварликнинг фойдали кўриниши шу, аслида...

қуриш эса, менга ўхшаган такасалтанг-у, сизга ўхшаган ақллиларнинг қўлида. Бу олий элпарварликдир...

Жиллакурса фақат давлатдан кутавермасдан, ўзимиз фойдаланаётган кўчамизни қўшнилар билан биргалашиб таъмирлашдан ва ёгингарчилик кунларида асфальт йўллардан юриб завкланишдан ажиб иш борми? Яна сиз қурган йўлдан қанча инсон фойдаланади. Кўчадошларимизнинг ҳар бири ҳеч бўлмаса битта туғилган кунда ишлатаётган харажатни кўча фаровонлигига сарфлаганда эди, бизнинг кўчадан ободи бўлмасди. Йўқ, кўчани таъмирламаймиз, ундан кўра базму жамшид

## ЭЛНИНГ ОЛДИДАН ЎТАМИЗ...

қиламиз. Ким раҳмат дерди. Лойда юравериш маза-ку. Болаларимиз лой кечиб, мактабга қатнайверишсин. Давлат қуриб берсин дейсизми, ишонаверинг ҳали-бери сизнинг кўчангизга навбат келмайди. Собик иттифокда фалон йил яшадик, мустақил бўлганимизгаям фалон йил бўлди. Шунча йилдан бери обод бўлмаган кўчангизни таъмирланишини мутасаддилардан умид қилманг (тўғрироғи, уларни сизнинг кўчангиздан ҳам бошқа кўплаб кўчаларда қиладиган ишлари бор). Узоқ кутишингизга тўғри келади. Ундан кўра қўлдан келганча ўзингиз ҳаракат қилаверинг. Мутасаддиларнинг гапни олиб қочишидан ҳеч кимга фойда йўқ. Секин-секин ҳамма жойни обод қилиб қўямиз. Ана шу элпарварлик. Қараб-сизки, зора биз ҳам ахборотларда кўрсатилаётган чиройли кўчаларда яшасак. Лойда эмас, асфальтларда юрсак. Жентрани-ку, иккита қилдик, энди бу жониворни лой кўчаларда юриши ярашмайди-да! Элпарвар оға...

Мисол учун бир беморнинг тузалишига қўлимиздан келган ёрдамни бердик. У тузалди. Биз инсонга ёрдам бердик. Шу ҳолатда қалбнинг роҳатланишини айтмайсизми, байбай-бай... Аслида бу элпарварлик...

Хуллас, шунга ўхшаган кўп нарсаларни мисол қилишимиз мумкин. Қўлимиздан келган зиғирча яхшиликни оламдан аямасак бўлди. Бунинг учун сал кенгроқ бўламиз. Ўзимизга ўхшаган майдагап кишиларга эътибор бермаймиз. Уларни-да ижобий томонга ўзгартирамиз...

Ишонаверинг, биз боймиз. Янада бойиб, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларини-да ҳавасини келтиришимиз мумкин. Фақатгина пулни нофаол сармоёга эмас, тирик, ўсадиган, ҳаракатланадиган, кўпаядиган сармоёга тикишни ўрганишимиз керак. Ахир чет элда ишлайдиган йигитлар озмунча маблағ жўнатишяптими? Шу пулларни тадбиркорликка йўналтирса борми,

Ёки бир қийналиб турган толиби илмга ёрдам бериб. Дейлик, хоҳ моддий, хоҳ маънавий. Жаноб толиби илмга иккови ҳам сув ва ҳаводек зарур. Бу ҳам элпарварлик...

Ёки бўлмаса, қишлоқ мактабининг совуқ хонасида дилдираб ўқитувчини тинглаётган, миллатнинг эртаси бўлмиш болажонларнинг синф хонасига иситиш тизими ўрнатиб беришдан ёки сен совга қилган янги доскада ёзаётган ўқувчини кўришдан ортиқ бахт бормикан? О, бу ишларни қилолсак, биздан элпарвари бўлмайди.

Шаҳарни орзу қилётган моддий имконияти чекланган бир ўспириннинг устидан қулмасдан, уни қўллаб-қувватлашдан ортиқ бахт бормикан?

Бир кам дунё деганларидек, кўп ҳолларда даҳолар болалилигу ёшлигида моддий қийинчиликларга дуч келиб, кўпи ўзини англамай ҳам қолиб кетади. Шунга ўхшаганга ҳайрихоҳлик қилиш элпарварлик эмасмикан?

Ёки фарзандингни дунё аренасида байроқ кўтараётганини ёки дунёнинг манаман деган ақллиларини оғзига қаратиб турганини кўришдан ортиқ саодат борми? Балки шудир элпарварлик!

Биламан, сиз истиқомат қилаётган ҳудудда ишсизлик авж олган. Ёш йигитлар ҳавасдан эмас, мажбурликдан чет элга иш излаб кетишмоқда. Ахир, оила боқиши керак. Юртимизда янги иш ўринлари яратиб, кўпларнинг қора қозони қайнашига ҳисса қўшмоқдан олий бахт борми? Завод ва фабрикалар қанча кўпайса юрт шунча тараққий этади. Буларни

якин йиллар ичида қандай ривожланиб кетамиз. Бизда эса кўп ҳолларда юқоридаги элпарвар ака билан бўлган суҳбатга ўхшаган ҳолат. Сал ғийбатлардан ортиб, ривожланиш ҳақида ҳам ўйласак, ҳаммага яхши бўларди. Бир сўз билан айтганда, элпарварлик бўларди...

Тасаввур қилинг, сиз илмига инвестиция киритган фарзандингиз оламшумул ихтиро қилди ёки дунё бош қотираётган касалликка даво топди. Ёхуд дунё олимлари бош қотираётган масалага ечим топди. Ишонаверинг, савоби фақатгина

сизга тегади. Кўзгаб қўйишга қўйдиг-у, ўша ҳолатингизда каминани эсламаслигингиз аниқ. Тадбирларда, телевизорларда сиз нутқ сўзлайсиз. Ахир шундай фарзандни тарбиялаб қўйдингиз... Асл элпарвар қиёфаси чехрангизда намоён бўлади...

Шу гапимга икки юз фоиз жавоб бераман, ҳар бир бола гул. Агар уни тўғри парвариш қилиб, аниқ мақсадга йўналтирсак, албатта нафақат сизни, балки миллатнинг юзини ҳам ёруғ қилажак. Ҳақиқий элпарвар бўлиб, юртни ривожлантиражак...

Мен гапиряпман-у, сиз тўй ёхуд

қанақадир базм ҳақида ўйлаясиз. Балким, кечкурун улфатлар билан чойхонангиз бордир... Майли, нима бўлганда ҳам гапларимни ўйлаб кўринг. Ҳавога учмасин.

Элнинг олдида ўтмоқчимиз-у, лекин қандай деган саволнинг жавоби кўнглини хира қилади. Ҳар бир виждонли фуқаро элнинг юксалишига ва тараққиётига масъулдир. Биз эса базмлар билан овора бўлиб юрибмиз... Тараққиёт ўз-ўзидан, ривожланиш осмондан тушиб қолмайди. Барча муштарак орзуларга бир мушт бўлиб эришилади. Шунинг

учун эл бўлароқ бирлашиш пайти келди. Ва ҳаммамизнинг елкамизда элнинг олдида ўтиш вазифаси турибди. Ҳаммамиз қўлимиздан келган бор имкониятни ишга солиб, юрт ривожига ҳисса қўшишимиз даркор. Келинг кимўзар ўйнаймиз, мен ижод қиламан, яна кимдир завод-фабрика курсин, янги иш ўринлари яратсин, кимдир ихтиро қилсин, яна кимдир... Ва сиз-чи? Элнинг олдида ўтиш учун нима қилмоқчисиз?.. Эл, сизнинг жавобингизни кутяпти!..

Зикрилла МАМАТОВ

## ТИЛ БИЛИШНИНГ ЎЗИ КАМЛИК ҚИЛАДИ



Кўзичоқни бўрига ишониб топириши деган гапни ҳалол, омонатдор, бировнинг ҳаққига ҳиёнат қилмайдигандек кўринадиган, лекин айёр, мунофиқ кимсалар ихтиёрига кўп нарсани ишониб топириб қўйилганда кўйиниб айтилади. Аммо яхшироқ ўйлаб кўрилса, бошида кўзичоқдек кўринган одамларнинг бўрига айланишига кўп ҳолларда ўзимиз шарт-шароит яратиб берганимиз ва ҳамон бунда давом этаётганимиз аён бўлиб қолади.

Пул нозик масала бўлганлиги сабабли кўп ҳолларда бу бўйича гаплашиш биров ҳижолатлироқ туюлади. Айниқса, ходим ва раҳбар ўртасида. Бирор нарсдан шубҳаланаётган ходим кўп ҳолларда раҳбарига очик-ойдин гапиролмай, ўзини қийнаётган тушунарсиз ўй-хаёллар ва гумонлари билан банд бўлиб юраверади. Бироз “бўшроқ” ходим бўлса, (юмшоқ табиатли) топганига шукр қилиб, ҳамма гумонларни эсдан чиқариши ҳам турган гап. Тўғрида, ўзини бекордан-бекор, узок вақт қийнаб нима қилади.

Ўртада эса, ноинсоф ҳисобчи кўп нарсани “туя” қилаётган бўлади. Булар аён бўлгандан кейин эса, ҳамма бирдек айбдорга айбланади- қолади. Буёғига “Ўзи менинг кўнглим бир нимани сезганди”, “Билардим нимадир борлиги”ни деган гаплар фойда бермайди. Бу каби ҳолатлар юртимизнинг исталган жойида исталганча топилади.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир ташкилот ва корхоналардаги бухгалтерлар моддий қирим-чиқимларни тўғри йўналтириш бўйича ўз маслаҳатлари билан раҳбарларга яқиндан ёрдам бериб, фаолият юритаётган ташкилоти (корхонаси) ривожланиши учун хизмат қилади. Аммо минг афсуслар бўлсинки, юқорида айтганимиздек, бундай ваколатдан, яни бухгалтерлик вазифасидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланадиган ҳисобчилар, улар билан тил бириктирган ҳолда ёки бошқа йўллар орқали ўз нафси йўлида давлат томонидан маълум мақсадлар учун йўналтирилаётган маблағларни отасининг мулкидек совураётган мансабдорлар ҳам кам эмас. Бундай ҳолатларнинг аниқланиши ҳам одамлар учун янгилик бўлмай қолган.

Бундай қилмишларда, яъни халқнинг ҳаққига ҳиёнат қилишдек кечириб бўлмас ишларга қўл уришда уларга нималар шароит яратяпти ёки кимлар?

Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларга ажратилган бюджет маблағларининг кўзланган мақсадларда фойдаланилиши биринчи навбатда ташкилотларнинг масъул ходимлари, яъни раҳбарлари ва ҳисобчилари (бухгалтерлари) томонидан амалга оширилиши қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Лекин, ҳаёт тажрибаси ҳамда ўрганишлар натижалари таҳлили ушбу ҳолатнинг аксини кўрсатмоқда.

Биринчидан, бюджет ташкилоти раҳбари ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратнинг талаб даражасида олиб борилмаслиги ёки бюджет маблағларидан фойдаланилиши ҳисобчига ишониб ташлаб қўйиши оқибатида ҳисобчилар томонидан бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши ва ўзлаштирилиши каби ҳолатлар содир этилмоқда.

Иккинчидан, бюджет ташкилотининг масъул ходимлари, яъни раҳбари ва ҳисобчиси (бухгалтери) ҳамда моддий жавобгар шахслари (омбор мудири) ўзaro келишган ҳолда ташкилотга ажратилган бюджет маблағининг маълум қисмини кўзда тутилмаган мақсаларга йўналтирилиши, ноқонуний сарфланиши ва ўзлаштирилиши каби ҳолатлар ҳам сира камаймаяпти.

Бундай ҳолатлар, яъни ажратилган бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши ва ўзлаштирилиши бугунги кунда ҳам яна ўша Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари ҳамда

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси тизими ва бошқа тизимларда кўпроқ давом этаётгани кузатилмоқда.

Шу билан бир қаторда, масъул ходимлар ҳар қандай қонунбузулиш ҳолатлари юзасидан ҳуқуқий баҳо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан берилишини унутиб қўймоқдалар.

Яна шундай ҳолатлар кузатиладики, айрим раҳбарлар ўз бухгалтерининг ғайриқонуний иш қилаётганини ёки масъулиятсизлик натижасида баъзи турдаги ҳисоб-китоб ишларининг қолиб кетганини билмай қолишади. Бу эса қаердан дидир текширув келиб, ўрганиш олиб боргандан кейингина маълум бўлади ва раҳбар ҳам ўзи билмаган ҳолда бухгалтерга шекдек бўлиб кўрилади.

Шунингдек, яна бир нарсани бугунги кундаги замонавий кадрларнинг ҳаммаси билиши шарт ва зарурдек назаримизда. “Бухгалтерия – бу менинг ишим эмас, деб ўзини бу борадаги билимларни (тартиб-қоидаларни) ўрганишдан чекламасдан, ҳеч йўқ қонун доирасида кўрсатилган томонларини биров бўлсада тушуниб олмас фикри ожизимча, фақатгина ўзимизнинг фойдамиз учун жуда яхши бўларди. Қолаверса, кўплаб талон-тарожликларнинг ҳам биров бўлсада олди олинган бўлармиди. Кейинчалик раҳбарлик курсига чиқадиган ёшлар ҳам булар бўйича қандайдир тушунчага эга бўлиб борсалар фойдадан холи бўлмас эди. Таклифимиз, бугунги кунда етишиб чиқаётган ҳар бир соҳа мутахассисларига ўз йўналиши бўйича билимларни ўргатиш баробарида, иқтисодий ва молиявий билимларни ҳам ўргатиб берилса, фақатгина иқтисодий-молиявий жиноятларнинггина эмас, балки “эътибор қаратмай қолибман”, “хабарим йўқ, мен билмай қолибман” деган баҳоналарнинг ҳам олди олинган бўлармиди.

Камолиддин РЎЗИМАТОВ

## СОЛИҚЧИЛИКДА СУДГА МУРОЖААТ

*Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 4-моддасига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга мурожаат қилишига ҳақли.*

Солиқ органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида судга мурожаат қилишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 231-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, солиқ органининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан суд тартибида шикоят қилиш фақат юқори турувчи солиқ органига шикоят қилингандан кейингина мумкин бўлади. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қарори устидан шикоят қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

Солиқ кодекси 137-моддасининг учинчи қисмига кўра, солиқ органлари солиқ текширувларининг қуйидаги турларини ўтказилади.

- 1) камерал солиқ текшируви;
- 2) сайёр солиқ текширувчи;
- 3) солиқ аудити.

Ушбу ҳолатда, камерал солиқ текшируви натижасида қабул қилинган солиқ органининг қарори устидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш мумкин бўлади.

Солиқ органининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан эса, дастлаб юқори турувчи солиқ органига шикоят қилиш лозим бўлади.

Агар ариза берувчи шахс юқори турувчи солиқ органининг шикоятни кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қилинган қарордан қониқмаса ёки унинг шикояти қонунда белгиланган муддатда кўрилмаган ва жавоб берилмаётган бўлса, шикоятни кўриш муддати ўтгандан сўнг судга шикоят қилиш мумкин бўлади.

Анарбой МУСУРМАНКУЛОВ  
Сирдарё вилоят маъмурий судининг судьяси.



# УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРГАН ЗАМОН...

*Бу юртни ҳар тонг манглайдан Қуёш ўпиб уйғотади. Бу юрт озод юрт, обод юрт, унинг тоғлари виқорли, боғларида ҳуррият шамоли эсади. Бу юртнинг тупроғи зар - қадалган ҳар уруғ кўкка бўй чўзади, экилган ҳар ниҳол дарахтга айланади. Бу юрт бежиз жаннатмонанд, дейилмаган. Ҳа, гап Ўзбекистон ҳақида борар экан, унинг мадҳияси янграган ҳар гўшада борлиқ яшаради, унинг тинглаган ҳар вужуднинг қалбида меҳр-муҳаббат, садоқат акс этади, шурида маърифат жўш уради.*

*Серқуёш, ҳур ўлкам,  
элга бахт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош,  
меҳрибон.  
Яшнагай тоабат илму фан, ижод,  
Шухратинг порласин,  
токи бор жаҳон...*

Залворли, аммо дилга ёқувчи мусиқа садолари остида ушбу сатрлар янграб, байроғимиз бошимиз узра ҳилпираганда, озод Ватанимизга нисбатан қалбимизнинг туб-тубидаги гурур янада улғаяди, бу муаззам садо руҳимизга руҳ, кучимизга куч бағишлаб, бизни янгидан-янги бунёдкорлик ишларига ундайди.

Дарвоқе, гап мадҳия ҳақида борар экан, аввало қисқача ушбу сўз таърифига тўхталсак: мадҳия – араб тилидан олинган бўлиб, мактов, таъриф, яъни бирор шахс, воқеа ёки нарсанинг мактовига бағишланган бадиий асар. Муайян давлатга бағишланган шеърий-муסיкий асар ҳам мадҳия ҳисобланади. Демак, маълум бир давлат мадҳиясини яратиш ижодкордан чуқур мулоҳаза ҳамда катта масъулият талаб қилади.

Давлат мадҳиясининг шеърий матни ва муסיқасини тайёрлаш учун Олий Кенгаш депутатлари ижодкор зиёлилар билан ҳамкорликда икки ярим йил давомида иш олиб борди. Ушбу давр ичида давлат мадҳияси шеърий матнининг танловида 60 дан ортиқ шоирлар, муסיқа танловида 30 га яқин композиторлар иштирок этди.

Маълумки, ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг 1992 йил 8-10 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўн биринчи сессиясида мустақил давлатнинг Асосий Қонуни бўлиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси моддама-модда муҳокама этилди ва қабул қилинди. Конституциямизнинг 5-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга”,

деган конституциявий қоида муҳрлаб қўйилди.

Ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясига Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси учун дастлаб уч хил матн ва муסיқа ҳавола этилган. Улардан бири шоир Абдулла Орипов шеърига Мутал Бурҳонов куй басталаган мадҳия бўлса, қолган икки мадҳиянинг бири Бахтиёр Алиев муסיқаси, Абдулла Орипов

**Ўзбекистон Давлат мадҳияси байрамлар, сиёсий чиқишлар, спорт анжуманлари, расмий давлат қабуллари, аҳамиятли митинглар, турли давлат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш маросимлари ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда ижро этилиб, давлат суверенитетига эътиқод ва ҳурматни расмий муסיқа ҳамда матн билан ифода этади.**

қаламига мансуб, иккинчиси шоир Мирпўлат Мирзо шеърига бастакор Рустам Абдуллаев куйи басталанган мадҳия эди. Мазкур сессиясида учала матн муסיқалари билан янгради. Узоқ муҳокамадан сўнг депутатлар бир тўхтамга келишди - шоир Абдулла Орипов ва бастакор Мутал Бурҳоновлар ижодига мансуб мадҳия Давлат мадҳияси сифатида эълон қилинди ва сессия сўнггида илк бор Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Республикаси Давлат мадҳиясининг матни ва муסיқаси Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрдаги 768-ХП-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонун 13 моддадан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон

Республикаси Давлат суверенитетининг рамзи бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси оркестр, хор ҳам оркестр ҳам хор томонидан ёки ўзга вокал ва чолғу асбоблари билан ижро этилиши мумкин. Бунда овоз ёзиб олиш воситаларидан фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси вокал ҳамда вокал-чолғу асбоблари билан ижро этилган тақдирда тўлиқ ижро этилади, чолғу асбобларининг ўзида ижро этилган тақдирда эса мадҳия қисман ижро этилишига йўл қўйилади – ашуланинг бошланиши ва нақорат бир мартадан айтилади.

мадҳияси мустақилликка эътиқодни тарғиб қилади. Унинг матни фуқароларимизни мустақил давлат қуриш йўлида матонат ва жасоратга, сабр-тоқат ва фидокорликка, ташаббускорлик ва курашга чакиради, миллий гурурни уйғотади.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси байрамлар, сиёсий чиқишлар, спорт анжуманлари, расмий давлат қабуллари, аҳамиятли митинглар, турли давлат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш маросимлари ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда ижро этилиб, давлат суверенитетига эътиқод ва ҳурматни расмий муסיқа ҳамда матн билан ифода этади.

Юртимиз вакиллари иштирок этадиган халқаро миқёсдаги сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларида мазкур шуқудли тарона жаранглаганда Она-Ватанимиз биз билан ҳаммиша бирга эканлигига амин бўламиз, юзлаб, минглаб километрлик масофалар бир лаҳза ортада қолиб, кўз ўнгимизда заррин нурга чўмилган жаннатмакон замин гавдаланади.

Мадҳиямизда Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тобора юксалиб бораётган обрў-эътибори, ҳеч кимдан кам бўлмай, келажакка қатъий ишонч билан интилаётган ёшларимизнинг азму шижоати акс этган. Ёшлар онгида бой тарихимизга, миллий ўзлимизга чуқур ҳурматни шакллантиришда, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол ва етук инсонлар бўлиб вояга етишида мадҳиямиз муҳим тарбиявий воситадир. Уни қуйлашни бошлаган мурғак қалбда ўз ватанининг тимсоли, унга нисбатан фахр ва муҳаббат ниш уради. Болажонларнинг порлаётган нигоҳларидаги ҳаяжонни кўриб, халқ ва Ватан улуғланган кўшиқ инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этишига, бу эса ёруғ оламни янада мунаввар кўрсатадиган ажиб мўъжиза эканлигига яна бир бор амин бўламиз.

... Ҳар тонгни мадҳиямиз садолари билан қарши оламиз. Қалбимизда янги кун, Янги давр шижоати уйғонади. Истиқлолга ва бугунги тинч-осойишта ҳаётимизга шукрона келтирамиз. Аждодларимизнинг шон-шухрати ва авлодларимизнинг ёруғ келажagini шарафловчи бу тарона асрлар оша баралла янграйвериши ҳақидаги истак билан олға интиламиз.

**Бўри ҚОДИРОВ,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги  
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи.

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

(Боши 1-саҳифада)

Мустақилликнинг дастлабки йилларида 22 миллион аҳоли бўлиб, шулардан 350 минг ногиронликка эга бўлган шахслар эди. 2014 йилга келиб аҳоли 30 миллиондан ортиқни ташкил қилган ҳолда, ногиронлар сони 600 мингдан зиёдни ташкил қилган. Айниқса ногиронлик 1991 йилдан 1996 йилгача 67% га ўсди. 1995 йил 11 сентябрда “Ўзбекистонда ногиронлар реабилитацияси бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори асосида 500 ўринга мўлжалланган Республика миллий реабилитация ва протезлаш миллий маркази ташкил қилинди. Натижада ногиронлар сони 1996 йилдан 2000 йилгача камая борди.

Сўнгги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизimini шакллантириш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, охириги тўрт йилда 27 та тиббий-ижтимоий муассасаларда 267,2 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди ва замонавий талабларга мос бўлган 1 327 та ўринлар фойдаланишга топширилди.

Санаторийларда соғломлаштирилган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар сони 43 минг нафарни ташкил этиб, 20 фоизга орди, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга бепул тақдим этиладиган асосий озик-овқат ва гигиена воситалари сони 15 тадан 19 тагача оширилди, ногиронлиги бўлган шахсларга бепул бериладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг рўйхати 22 турдан 27 тагача кўпайтирилди. Одам савдосидан жабрланган 1 024 нафар фуқарога тиббий-ижтимоий реабилитация ва психологик қўллаб-қувватлаш чоралари кўрсатилди.

Қабул қилинган фармонга кўра ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан болаларни ижтимоий мослаштириш, уларга ўз қизиқишларидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш;

дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш тизимининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили икки марта диспансеризациядан ўтказиш, санаторийларда режали соғломлаштириш ва ихтисослаштирилган стационарларда даволашни ташкил қилиш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари (эшитиш аппаратлари,

ногиронлар аравачалари, ҳасса ва қўлтиктаёқлар, юриш мосламалари), шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни мунтазам такомиллаштириб бориш;

маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар, шу жумладан концерт дастурлари ташкил этиш орқали кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг юртимиздаги диккатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳларга ташрифларини ташкил этиш;

таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокида маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш орқали ёшларни кексаларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш масалалари кўзда тутилди.

Хусусан, ўтган йили Президентнинг 25 мартдаги фармони билан кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш бўйича муҳим чо-

**Мамлакатимизда ҳар бир бола тақдирига қаратилаётган эътибор туфайли охириги ярим йилда “Меҳрибонлик” уйлари, Болалар шаҳарчаси ва “SOS” болалар маҳаллалари уюшмаси қарамоғидаги 1 минг 619 нафар кўнгли ўксик фарзандларимиз ўз оиласи ва яқин қариндошлари тарбиясига ўтказилган.**

ра-тадбирлар белгиланди.

Жумладан, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, “Саховат” ва “Мурувват” уйлари, фахрийлар санаторий ва пансионатлари, бошқа қатор тиббий-ижтимоий муассасалар унинг тасарруфига ўтказилди. “Саховат”, “Мурувват” уйлари, Республика фахрийлар пансионатининг раҳбар ва шифокорлари иш ҳақи 1,5 баробарга, кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари иш ҳақи 2 баробарга оширилди. “Аҳоли саломатлиги – улкан бойлик ва ҳеч нарсага алмаштинмайди” деган эдилар давлат раҳбари. Соғлиқ – бу нафақат бойлик, балки катта салоҳият, мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини ҳаракатга келтирувчи асосий куч, давлат кудрати кўрсаткичидир” деган эдилар давлат раҳбари.

Юртимизда ота-онадан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим тарбия олиши, иш жойи ва уйига эга бўлиши, жамиятда муносиб ўрин топиши, “Меҳрибонлик уйлари”, махсус мактаб интернатлар ва “Болалар шаҳарчаси”нинг мод-

дий техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда ҳар бир бола тақдирига қаратилаётган эътибор туфайли охириги ярим йилда “Меҳрибонлик” уйлари, Болалар шаҳарчаси ва “SOS” болалар маҳаллалари уюшмаси қарамоғидаги 1 минг 619 нафар кўнгли ўксик фарзандларимиз ўз оиласи ва яқин қариндошлари тарбиясига ўтказилган.

Натижада 10 та меҳрибонлик уйи, 3 та болалар шаҳарчаси ва 2 та болалар уйи эҳтиёж қолмагани учун ёпилган.

Қолган 6 та “Меҳрибонлик” ва 11 та кичик болалар уйларида 1 минг 475 та ўрин мавжуд бўлиб, бугунги кунда уларда 897 та етим болалар бор.

Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган йиғилишда “Саховат”, “Мурувват” ва “Меҳрибонлик” уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатлари шароитларини яхшилаш, кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қи-

лиш, меҳрга муҳтож ва имконияти чекланган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган эди.

2022 йилда имконияти чекланган болалар ва катталарни зарур жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигига 31 миллиард сўм маблағ ажратиладиган бўлди. Бунда:

- болалар церебрал фалажи, умуртқа поғонаси касал бўлган шахсларда мустақил юриш функцияларини қайта тиклаш учун 20 дона экзоскелет;

- 880 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга замонавий пультли аравачалар;

- кўзи ожиз болалар ва катталар учун 1 минг 800 дона овозли термометр, 2 минг дона овозли тонометр, 2 минг дона Брайль алифбоси бўйича ёзув мосламалари;

- ногиронлиги бўлган шахслар фавқулодда вазиятларга тушганда уларга тезкор ёрдам кўрсатиш учун 6 мингта смарт-соат, шунингдек етарли миқдорда эшитиш мосламалари харид қилиш назарда тутилди.

Тиббий-ижтимоий муассаса-



лар контингентини тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни манзилли даволаш ва дам олишга йўналтириш шартлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Ижтимоий хизмат” электрон платформасини жорий йил 1 майга қадар ишга туширишни таъминлаш топширилди.

Ўтган даврда интернат уйларида яшовчи 9 минг 400 нафар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда 18 минг нафар ҳеч кими йўқ ва ёлғиз яшайдиган фуқаролар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларни соғломлаштириш чоралари кўрилди.

Ногиронлиги бўлган 900 нафар бола протез-ортопедия мосламалари билан таъминланди.

“Zamin” жамғармаси билан ҳамкорликда заиф эшитувчи 2 мингдан зиёд бола жами 4 мингта рақамли эшитиш мосламалари билан таъминланди, 11 та ихтисослашган мактаб-интернат ёрдамчи товуш-нутқ воситалари билан жиҳозланди.

Шунингдек, 1 минг 100 нафар ногиронлиги бўлган шахслар пультли аравачалар билан таъминланди.

Ўтган йили “Саховат”, “Мурувват”, “Меҳрибонлик” ва болалар уйлари, фахрийлар пансионатлари, мактаб-интернатларда 172 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди.

Ижтимоий соҳага эътиборнинг кўламини тасаввур қилиш учун, лоақал, шу йилнинг ўзида бу борда қабул қилинган қонуности ҳужжатларнинг муҳим-муҳимларини санаш керак. Кўриб ўтилганидек, Тараққиёт стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантириш учун айнан нималарни амалга ошириш аниқ-тиниқ қилиб белгилаб берилган.

Демак, мурувватга муҳтож катламни қўллаб-қувватлаш, кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, имконияти чекланган болаларга эътибор бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

**Раҳбар ХОЛИҚОВА,**  
тарих фанлари доктори,  
профессор

Ўн мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Сўлим қўрғони - Самарқанд шаҳрининг чекка ҳудудларидан бири. Учта маҳалладан иборат мазкур шаҳарчининг муаммолари кейинги йилларда барчанинг эътибор марказида бўлиб келяпти.

# СЎЛИМ ШАҲАРЧАСИ ҚАЧОН ЎЗ НОМИГА МОС БЎЛАДИ?

Шаҳарча аҳолиси қарийб 20 йилдан бери ичимлик сув, табиий газ, электр энергиясидаги узилишлардан безор бўлганди. Кўча ва йўлларнинг хароб аҳоли ҳамда ободончилик ишлари ташкил этилмаганлиги сабабли шаҳарча ўртасидан ўтган Дарғом канали ёқаларига тўкиб кетилаётган минглаб тонна чиқиндиларнинг бадбўй хидига чидаб бўлмай қолганди.

Уч йил илгари аҳоли мурожатларидан сўнг вилоят ҳокими Э.Турдимов ташаббуси билан Наврўз, Ёшлик ва Чилқудук маҳалларарида қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошланди. Шаҳарча марказидаги Наврўз маҳалласига марказ қурилди. Кўчалар ободонлаштирилиб, асфальт қилинди. Янги кўчаларга тош тўкилди. Симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди, трансформаторлар янгиланди. Шаҳарча чиқиндилардан тозаланди.

Вилоят ҳокими ташаббуси билан бошланган ишлардан сўнг шаҳарчамизга файз кириб қолди, – дейди “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Умаров. – Кўчаларимизнинг 80 фоизи асфальт қилинди. Маҳалламиздаги 3 та трансформатор кучайтирилди, биттаси янгиланди. Мингга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Бироқ Дарғом каналининг чап томонида яшаётган аҳоли маҳалла марказига келишда кўприкдан ўтишга қийналади. Айниқса, қиш кунлари мактабга қатнайдиган ўқувчиларга бу ҳолат ноқулайлик туғдиради.

Самарқанд шаҳри ҳокими янги кўприк кураимиз, деб ваъда берган эди. Бироқ дастурдан қолиб кетди. Шунингдек, совуқ кунлари Муҳандислар, Чавғон ва Мевали кўчаларидаги 200 га яқин хонадонга босими тушиб кетганлиги сабабли табиий

газ келмай қолади. 2019 йилда шағал тўкилган ўнта кўча ҳалигача асфальт қилингани йўқ. “Махсус сув қурилиш инвест” компаниясига қарашли “М-3” МЧЖ ишчилари томонидан учта маҳалла бўйлаб 4,8 километр масофага оқова тармоғи тортилди. Бироқ олти ой ўтиб кетган бўлса-да, ҳануз канализация ишга тушгани йўқ. Камига асфальти кесиб олинган кўчалар қайтиб созланмади.

Уйимиз орқасидаги кўча остидан ичимлик сув тармоқлари ўтган, – дейди Кишинёв кўчасида яшовчи Гул-



сара Ҳазратқулова. – Лекин эскириб, тешилиб қолганлигидан ҳар доим ертўламинизни сув босади. Бир неча марта “Сув таъминот” МЧЖ Самарқанд шаҳар филиалига мурожат қилдик. Ниҳоят, жорий йилнинг июнь ойида келиб, қувурларни алмаштиришди, бироқ асфальт қилишни унутишди.

Онахоннинг ҳовлисида мевали дарахтлар орасида турган эски симёғочга кўзимиз тушди. Айтишча, яна 20 дан зиёд ҳовлида худди шунга ўхшаган симёғочлар электрчиларнинг ёдидан кўтарилиб алмаштирилмай қолган.

Шаҳарчининг Ёшлик маҳалласида ҳам юқоридаги каби муаммолар-



ни кўриш мумкин. 2019 йилда “Обод маҳалла” дастурига асосан ободонлаштириш ишлари олиб борилган бўлса-да, маблағ етишмаслиги сабабли кўп ишлар чала қолган. Жумладан, маҳалланинг ички кўчалари асфальт қилинмаган. Йўл четига бетон ариқлар ўрнатилмай қолган. Шунингдек, болалар майдончалари,

Кўчалар абгор, ариқлар кўмилиб кетган, табиий газ босими паст, симёғочлар алмашмаган...

– Кўчаларимизга тош тўкишди, лекин асфальт қилинмади, – дейди маҳаллада яшовчи 80 ёшли Шароф Маърупов. – Ирригация тармоқлари йўқлигидан кўчалар қўлга айланиб борапти. Болаларимиз мактаб ва боғчага боришга қийналишади. Биз, қариялар эса маҳалла марказига бормай уйда камалиб ўтираемиз. Чунки, дарвозамиз олди ёмғир сувига тўлади. Қаттиқ шамол бўлса, “свет” ўчади. Кўчаларимиз тунги ёритиш чироклари йўқлиги сабабли, зим-зиёга айланади.

Маҳаллаларни айланар эканмиз, ҳар бир кўчадан ўтганимизда копка чиқинди уюмига ва уларни титаётган итларга кўзимиз тушади. Хазонрез вақти эмасми, шамол барглари бир кўча қилиб “айлантормоқда”. Айтишларича, тўрт ҳафтадан буён чиқинди ташиш машинаси келмаётган экан.

– Ҳар ҳафта жума куни “Мароқандобод” ДУК машиналари келиб шаҳарчани айланиб, йиғилган чиқиндиларни олиб кетар эди, – дейди Наврўз маҳалласида яшовчи Равшан Аҳмедов. – Лекин мана 3-4 ҳафтадирки, келгани йўқ. Ҳамма жой чиқиндига тўлиб кетди. Барг-хазонларни тўплаб, ёқиб бўлмаса... Шусиз ҳам каналнинг ёқаси чиқиндига тўлиб кетган.

10-оилавий поликлиника филиалида ҳам қатор муаммолар бор экан. Ўн минг аҳоли яшайдиган шаҳарчага битта ҳам “тез ёрдам” машинаси ажратилмаган. Оғир беморларни Самарқанд шаҳридаги тез ёрдам бўлимига олиб боришга мажбур бўлишмоқда.

Хуллас, Сўлим шаҳарчасида уч йил илгари бошланган “Обод маҳалла” дастурлари тўлиқ амалга оширилмаган. Қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари чала қолган. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари шаҳарчага бориб, ишларни назоратга олмаса бўлмайди. Сўлим шаҳарчаси ўз номига мос ҳолда сўлим масканга айланиши керак.

**Дилмурод ТЎХТАЕВ,  
Бахтиёр МУСТАНОВ**  
олган суратлар.



# ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМИ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

*Бугун Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институтида Географик ахборот тизими марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*



Ушбу марказ БМТнинг Атроф-муҳит дастури (UNEP)нинг Марказий Осиё бўйича субминтақавий идораси ва Россия Фанлар академияси География институтининг кўмагида ташкил этилди.

Давлат экология қўмитаси расиси Н.Обломуратов бугунги кунда Қўмита томонидан экология ва атроф-муҳит йўналишидаги илмий тадқиқотларнинг кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида сўз юритиб, мазкур марказ фаолиятининг йўлга қўйилиши бу борадаги яна бир муҳим кадам

эканлигини таъкидлади.

Марказнинг очилиш маросимида расмий меҳмон сифатида БМТнинг Атроф-муҳит дастури (UNEP) Марказий Осиё бўйича субминтақавий идораси раҳбари Айдай Курманова иштирок этди.

Тадбирда Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институтининг Яшил ўсиш ва иқлим ўзгариши бўлими бошлиғи Сайиджаҳон Ҳасанов энг сўнгги технологиялар асосида жиҳозланган лабораториянинг мақсад ва вазифалари, замонавий имко-

ниятлари ҳамда ишлаш жараёнлари ҳақида тақдимотлари орқали кенг маълумот берди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 августдаги “Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида инновацион ва илмий тадқиқот ишларини янада жадаллаштириш вазифаси ҳам белгиланган.

теварак-атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш соҳасида ахборотлар билан таъминлаш, табиий ресурслардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш имконини беради.

Эътирофлиси, мазкур Географик ахборот тизими маркази фаолиятининг йўлга қўйилгани эндиликда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида илмий-амалий тадқиқотларни тизимли равишда ташкил этиш имконияти янада кенгайтиради.

Жумладан, республикаимиз ҳудудида мавжуд бўлган яшил ҳудудлар ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилаётган кўчатларнинг мониторингини олиб бориш ишлари тизимли ташкил этилади. Олинган илмий-тадқиқот натижаларига асосан Қўмита томонидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, таҳлиллар амалга оширилади ва янги лойиҳалар амалиётга жорий қилинади.

**Давлат экология қўмитаси  
матбуот хизмати**



Шу ўринда айтиш жоизки, Географик ахборот тизими технологиялари табиий ресурслардан фойдаланишни тизимли равишда кузатиш,

# ФИДОЙИ, ХАЛҚПАРВАР ВА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР

**ислоҳотларнинг амалий кучи ва самарали татбиқ этилиши давлат хизматчиларига боғлиқ**

*2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги инсон кадрини юксалтириш, халқпарвар давлат барпо этишга оид устувор мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишни талаб этмоқда.*

Юртимизда бу борада олиб борилаётган тизимли ислоҳотларнинг навбатдаги амалий натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойилни тўла рўёбга чиқариш учун мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлди.

Қонун давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми, лавозимлар тоифалари ва малака даражаларини, давлат фуқаролик хизматига кириш, ўташ ва тугатиш жараёнларининг ягона тартиботини, кадрларнинг касбий-маънавий фазилатлари ва алоҳида хизматларнинг объектив ҳамда адолатли баҳолаш асосида хизмат поғоналари бўйича ўсиш кафолатларини, умуман, ягона давлат фуқаролик хизматининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини тартибга солишни назарда тутди.

Бугун тизимда эришилаётган натижалар ҳар бир давлат хизматчисини келажакка ишонч билан қарашга ундайди. Шу боис, янги Ўзбекистонда юксак билими ва касбий салоҳияти бўлган ҳар бир давлат хизматчиси раҳбарлик мактабига кириши ва меҳнати билан товланиши айни ҳақиқатга айланди.

Сир эмаски, бугун давлатни барқарорлаштириш билан бирга жамиятни фаоллаштириш, давлат хизматчисининг жамиятга ижобий муносабатини шакллантириш, халққа хизмат қилиш, одамлар розилигини олиш, ҳалоллик, адолатни мустақкам ўрнатиш борасидаги замонавий ёндашувга бўлган ижтимоий эҳтиёж кучайди. “Дав-

лат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши Президентимиз илгари сураётган халқпарвар сиёсатнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Яна бир муҳим жиҳат. Қайд этиш жоизки, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” қонун қабул қилиниши бу йўналишда юртимизда кечаётган маъмурий ислоҳотларнинг муҳим босқичи бўлди. Қонун билан илк бор давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми белгилаш, энг муносибларни очиқ ва мустақил танлов билан ишга қабул қилиш, ходимлар фаолиятини ЭМСК (КР) асосида баҳолаш, меритократия асосида хизмат поғоналарида кўтарилиш ҳамда малака даражалари бериш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тартибини жорий этиш мустақкамланмоқда.

Бу қонун нафақат миллий, балки илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўзида мужассам этган. Масалан, Жанубий Корея, БАА, Германия, Франция, МДХ ва бошқа қатор давлатлар тажрибаси ўрганилди ҳамда уларнинг амалиёт синовларидан ўтган энг яхши жиҳатлари намуна сифатида олингани қонуннинг миллий ва замонавий руҳини ифодалади.

Қонун 10 та боб ва 64 та моддадан иборат бўлиб, унинг “Давлат фуқаролик хизмати соҳасида давлат бошқаруви”, “Давлат фуқаролик хизмат-



чисининг ҳуқуқий мақоми”, “Давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга қарши курашиш” каби бобларида давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, одоб-ахлоқ қоидалари каби тушунчалар акс этган. Хужжат Ўзбекистонда ижро ҳокимияти функцияларини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотларидаги 118 мингдан ортиқ давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти билан боғлиқ барча муносабатларни ягона қоидалар асосида тартибга солиди.

Қонун билан давлат фуқаролик хизмати соҳасида ваколатли орган этиб – Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги белгиланди. Агентликнинг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ваколатлари ҳам белгилаб берилди. Агентлик мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминлаш борасида бир қатор вазифалар ва чора-тадбирларни белгилаб олди.

Бир сўз билан айтганда, давлат хизматида узок йиллардан буён ўз ечимини топмаган тизимли муаммоларни ҳал қилишга қаратилган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун нормаларининг самарали ижросини таъминлаш орқали давлат фуқаролик хизматини тартибга солиш соҳасида илғор халқаро стандартларга жавоб берувчи ягона тартибот тизими шакллантирилади. Энг асосийси, давлат фуқаролик хизматига малакали кадрларни фаол жалб қилиш, улар салоҳиятини ошириш, фидойи, халқпарвар ва рақобатбардош кадрлар сифатида тарбиялаш учун зарур ҳуқуқий шароитлар яратилади.

**Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш  
бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**

# ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ — САОДАТ

*Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида кенг кўламли янгиланишлар рўй бермоқда. Ислохотлар самараси барча масканда бўлганидек, Ургут туманида ҳам яққол кўзга ташланиб бормоқда. Бинобарин, Президентимиз бошчилигида кўз ўнгимизда рўй бераётган улугвор ишлар туфайли минг-минглаб диллар шод бўлмоқда, нурунийлар дуо қилмоқда, йиллар давомида тушкунликка тушиб, ҳамма нарсадан умидини узганлар қалбида ишонч уйғонмоқда.*



Буларнинг бари инсон манфаати, Ватанимизда умргузаронлик қилаётган барча фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланганига айна далилдир. Зотан, давлатимиз раҳбари айтганидек: “Биз ўз фаолиятимиз билан, энг аввало, халқимизни рози қилишимиз керак. Агар бизнинг фаолиятимиздан халқимиз рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади”.

Ургутни қўлигул ҳунармандлар, элакда ҳам сув ташишга қодир тадбиркорлар юрти, дейишади. Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги фармонида асосан “Ургут” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилиши туманнинг тадбиркору ишбилармонларига янада кенг имкониятлар эшигини очди. Республикамизда биринчилардан бўлиб ташкил этилган ушбу иқтисодий зонанинг жами ер майдони 1262 гектардан иборат. Иқтисодий зона мавжуд хомашё ва инфратузилмадан самарали фойдаланиб, қишлоқ жойларда санотни ривожлантириш, иш ўринлари очишда муҳим ўрин тутмоқда. Яқин-яқингача ўнқир-чўнқир бўлиб, қаровсиз ётган ҳудудда “Ургут” эркин иқтисодий зонаси иш бош лашини, “Ургут сити” барпо этилиб, кўп қаватли хонадонлар қад ростлашини ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Атиги ўн беш-йигирма йил олдин қишлоқдан туман марказига бориш қанчалик машаққат бўлгани эсимиздан чиққани йўқ. Бугун эса деярли ҳар бир хонадонда энгил автомобиль бор. Туман ёки вилоят марказига бориш, сайру саёҳат қилишда улов муаммоси йўқ. Тор ва абгор кўчалар кенгайтирилмоқда, асфальт ётқизилиб, равон йўллар қилинмоқда. Йўлларда машина шунчалик кўпки, бу манзарани кечаги кун билан асло солиштириб ҳам, таққослаб ҳам бўлмайди. Биргина иқтисодий зонани оладиган бўлсак, иш бошлаганига ҳали кўп ўтмай, бу ерда қиймати 402 миллион долларликдан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. 313 миллион долларлик 55 та лойиҳа

бўйича ишлаб чиқариш бошланган, уларда 4 минг 328 киши меҳнат қилмоқда. Ушбу корхоналарда газ плиталари, энгил саноат ва чарм-пойабзал товарлари, гиламлар, гигиена воситалари, электр техникаси каби 220 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётган. 2020 йилда 1,2 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 30 миллион долларлик экспорт қилинган.

Бугун тилимизда “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс” сўзлари кўп тақдорланмоқда. “Ренессанс” сўзи “уйғониш, тараққиёт, ривожланиш” каби маъноларни ифода қилади. Айни пайтда юртимизда барча соҳаларда — у иқтисод бўладими, сиёсат



ёки маънавиятми, қишлоқ хўжалиги ёки таълим, тиббиёт, туризм ва яна бошқа йўналишлардаги ислохотлар, оламшумул, тарихий ўзгариш ва янгиланишлар Учинчи Ренессанс даври пойдевори сифатида баҳоланмоқда. Бу ишни Президентимиз бошчилигида сизу биз, шу муқаддас ва азиз Ватанимизнинг жонкуяр, меҳнаткаш, бунёдкор халқи амалга оширади. Айниқса, зукко ва юксак интеллектуал салоҳиятли ёшлардан умид катта. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари йигит-қизларимизнинг яхши таълим-тарбия олиши, замонавий фанларни, чет тилларни пухта ўрганиши, тадбиркор, ишбилармон бўлишини истаяпти, бунга имконият яратиб бермоқда. Ёшлар бу имкониятни англаб, вақтнинг қадрига етиб, ҳар бир кундан, ҳар

бир лахзадан унумли фойдаланиши керак.

Ургут Ғўс қишлоғида жойлашган Ғавсул Аъзам зиёратгоҳи билан ҳам донг таратган. Қишлоқнинг энг юқори қисмида жойлашган бу зиёратгоҳ XI-XII асрларда яшаб ўтган буюк аллома, қодирия тариқати асосчиси Ғавсул Аъзам Абу Муҳаммад Мухйиддин Саййид Абдулқодир Ғилонийнинг муборак номлари билан боғлиқ. Ғавсул Аъзам ҳазратлари 1166 йилда Бағдодда вафот этган. Ул кишининг ҳақиқий макбаралари ҳам айни пайтда ушбу шаҳарда жойлашган. Ғўсдаги қадамжо ул зотнинг рамзий макбараси, холос. Шундай қутлуғ қадамжо илгари но-

та-кичик раҳбар зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу масъулиятни қайсидир раҳбар теран тушуниб, меҳнат қилса, элнинг розилигини олиши, шубҳасиз. Ургут тумани ҳокими Ботиржон Жабборов ҳам аҳоли дарди менинг дардим, деган гапни ўзига шиор қилиб олган ана шундай тиниб-тинчимайдиган раҳбар. У кишини камдан кам ҳолларда иш кабинетидан топиш мумкин. Чунки эртаю кеч халқ орасида, одамлар билан бирга. Бизнинг маҳалламиздан туман кенгаши депутатлигига сайланган Ботиржон Шукурович кунора сайловчилари билан учрашади. Нима қилиш керак бўлса, кўлидан келганча ёрдам бераётган. Ана шундай интилишлар туфайли “Манғитобод” маҳалласи ҳам кундан кунга чирой очиб бормоқда. Қишлоқнинг абгор кўчалари тартибга келтирилиб, ён атрофга манзаралари дарахтлар экилган. Тўкилиб қолган 84-мактаб биноси тубдан таъмирланди. Аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашда муаммолар йўқ.

— Бу хайрли ва кенг кўламли ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, — дейди “Манғитобод” маҳалласида яшовчи нуруний Худойназар ота Салимов. — Президентимизнинг қишлоқ ҳаётини яхши билиши, муаммоларни дилдан ҳис этиши, асосийси, шу халқни жону дилидан яхши кўриб, уни рози қилишга интилиши туфайли мана шундай натижаларга эришяпмиз. Қисқа фурсатда маҳалламизда иккита болалар богчаси фойдаланишга топширилди. Иккита мактаб ишлаб турибди. Кўчаларимизга асфальт ётқизилмоқда. Неча йилларда бери хароб бўлиб ётган қишлоқ врачлик пункти-миз ҳам тамоман янги қиёфага кирди. Маҳалламизни кесиб ўтган, Самарқанд ва Ургутни боғловчи асосий йўл ҳам юриб бўлмайдиган ҳолатда эди. Туманимиз ҳокими ташаббуси билан мана шу йўл ҳам асфальт бўлди. Бундан жуда хурсандимиз.

**Фахриддин ҚУРБОНОВ,**  
Ургут туманидаги Манғитобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси

мигагина бор эди. Унга элтадиган йўл ўта хароб ва тор бўлгани боис, зиёратчилар учун катта қийинчиликлар туғдирганини қишлоқ кексалари ҳам айтиб берди. Мазкур манзилга файзу кўрк бахшида этиб, элу юртнинг дуосини олиш бахти Президентимиз Шавкат Мирзиёевга насиб этган. У киши Самарқанд вилоятида ҳоким бўлган пайтларида нафақат ушбу қадамжони, шунингдек, Чор чинор мавзесини ва тумандаги мана шу каби яна жуда кўп зиёратгоҳларни обод гўшага айлантиришга бош-қош бўлганини туман аҳли алоҳида меҳр ва мамнуният билан тилга олади.

Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатни юракдан ҳис қилиб, эл-юртга камарбаста бўлиш бугун ҳар бир кат-



*Ўзи ўзбек бўла туриб, бу тилдаги сўзларнинг маъносини билмайдиган, ўзбекча сўзларни танимайдиганлар бор, афсуски. Шунинг учун ҳам тилимизнинг гўзаллигини, нақадар бой эканлигини сезмаймиз, уни қадрламаймиз, хорижий сўзларни ишлатамиз унинг ўрнига. Айрим ижодкорлар, ёзувчилар, фидойи инсонларгина бу тил ҳақида қайғуриб келдилар.*

Шу ўринда, халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони – Эркин Воҳидовнинг асосан, йўқолиб бораётган, тобора унутилаётган сўзларимиз – миллий қадриятларимиз ҳақидаги мулоҳазаларини ёдга олайлик. У кишининг миллатпарварлиги, ватанпарварлиги барчамизга намуна даражасидадир. Зеро, шоирнинг тилга муносабати, севгиси ўзгача эди. Алишер Навоий олим сифатида “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини ёзиб туркий тилнинг оламда тенгсиз эканлигини кўрсатиб берган бўлса, шоир Эркин Воҳидов ҳам умрининг охирида она тилидан ҳаёти давомида беминнат фойдалангани учун “Сўз латофати” асарини ёзиб қолдирди. Унда ўз сўзларимиз ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Миллий тил қадр-қиммати ҳақида ўйлаганда беихтиёр севимли шоиримиз М. Юсуфнинг “Дўппи киймай қўйди одамлар” шеъри ёдга тушади. Дарҳақиқат, миллий бош кийимимиз, ўзбеклигимиз рамзи ҳисобланган – дўппи бунга ёрқин мисол бўла олади. Юртимизнинг турли ҳудудларида “қалпоқ”, “қаллапўш”, “тақия” каби ҳар хил номланадиган ушбу табаррук кийимдан одамлар тўйда, асосан, азаларда фойдаланган, баъзи хос кишиларгина доим кийиб юрадиган бўлиб қолди. Ўзбек тилига муносабат ҳам шундай. Ваҳоланки, бу тил воситасида ҳамма ўз тирикчилигини ўтказди, шунинг учун мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро ўзбек тилининг ўз ҳаёти ва фаолиятидаги аҳамияти ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриши керак.

Тилимизнинг тақдири ўзимизнинг қўлимизда. Бугун Ўзбекистоннинг буюк келажакни кўра олган ҳар бир халқ бизнинг бой ва бетакрор маданиятимизни, қадимий тарихимизни ўз тилимиз орқали ўрганишга интилади. Бунинг учун ҳар биримиз давлат тилига ҳурмат кўрсатишимиз, ўз фаолиятимиз мобайнида ўзбек тилини севишимиз, уни қадрлашимизни намоён этишдан чарчамаслигимиз керак. Шунда тилимизнинг нуфузи кун сайин ортиб боради.

Янги ташкил этилган фирмага замонавий бўлсин деб “CHIKKEN”, янги очилган боғчага “KINDERGARDEN”, “KINDERLAND”, янги маҳсулот ишлаб чиқилса “COMFORT”, дўкон очилса “BOUTUGUE”, деб ном қўйилмоқда. Харидорлар, мижозлар деярли ўзбек бўлгани ҳолда ажнабий ном қўйишдан кимга нима наф? Ё инглизча ном қўйса, хизмат ёки маҳсулот нархи жуда ошиб кетадими? Маҳсулотни мабодо чет

Элга Экспорт қилиш зарурати бўлса ҳам ном ўзбекча бўлгани маъкул-ку, маҳсулотни сифатига қараб олишмайдами?! Боғча, хусусий мактабларга келадиган бўлсак, муассаса номи инглизча бўлгани би-

Ҳар бир вазирлик, жамоат ташкилотларида жорий этилган ўринбосар мақомида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилинишини таъминлаш масалалари бўйича раҳбар маслаҳатчилари аввало, вазирлик, ташкилотлар тасарруфидаги ички ва ташқи ҳудудларда эълон, пештахта, шиор кабиларнинг давлат тили қоидаларига мослигини ўрганиш бўлса, навбатдаги вазифалар ҳужжатлар-

вакиллари сафарбар қилиш механизмини ишлаб чиқиш, соҳа имкониятларидан келиб чиқиб давлат тилига муносабати акс этган маъия маҳсулотлар тайёрлашни жадаллаштириш; ўзбекча исмлар луғати ва унинг электрон ҳамда мобил илова шакллари яратиш; телевидениеда теле-шоу шаклида “Ўзбекча гаплашамиз” кўрсатувини ташкил этиб, унга таниқли олим, шоир, ёзувчи, санъаткор, журналист, рас-



лан ичидаги хизмат сифатсиз бўлса, барибир ўқувчи, тарбияланувчи келмайди. Замонавий бино куриб, малакали ўқитувчини ишга олиб, ёки сифатли маҳсулот чиқариб ўзбекча ном қўйган яхши эмасми? Бу борада бошқаларга намуна бўладиган юртдошларимиз ҳам бор.

Шахс номлари масаласида ҳам ўзига хос муаммолар мавжуд. Ўзбек исмлар луғати чоп этилган, электрон варианты ҳам, мобил илова шакллари ҳам бор. Ислоний исмлар қўйиш яхши, бироқ ўзбек тили қаерда ишлатилади?! Исм танлаш ихтиёрий эканлиги маълум, бироқ Ўзбекча исмлар луғатини ҳам яратиш, халққа етказиш вақти келган.

Шахсга исм ва ном сўзлари муносиб қўрилади. Узоқ кишлоқлардагина кишилар бир-биридан "Отинг нима?" деб сўрашади. Айрим марказдан узоқ туман, овулларда одамлар азиз фарзанларини ўзбекча сўзлар билан атади: Тангриберди, Уйғун, Турғун, Тиловберди, Гўзал, Барчиной, Отабек, Ойбек, Улуғбек, Темир, Кумуш, Олмос, Олтин, Тошбек, Тўрабек каби. Таъкидлаш жоизки, Абдулла Қодирийнинг бош қаҳрамонлари бўлган Отабек ва Кумуш соф ўзбекча исмлардир.

Давлат тилини такомиллаштиришга доир барча ишларни мувофиқлаштирувчи департаменти ўзбек тилида иш юритилишини назорат қилиш тизимини йўлга қўйилганини таъкидлаш лозим.

нинг давлат тилида юритилишини тартибга солиш, шунингдек, ходимларнинг давлат тилини билиш даражларини аниқлаш, соҳага доир атамаларнинг қўлланилишини тартибга солиш билан шуғилланади.

Дастлабки кузатишлардан маълум бўлдики, иш юритиш, барча сосхаларда ўзбек тилининг қўлланилиши, шунингдек саноат, молия, ҳарбий, банк, божхона ва адлия соҳаларини давлат тили тўғрисидаги қонунга мувофиқлаштириш айрим илмий тадқиқотларни амалга оширишини ҳам давлат тилига алаҳида эътибор беришни талаб қилади. Масалан, хусусий фирма ва корхоналарнинг сони кўплигини инобатга олсак, бу борада ҳам номлаш хизмати, тилшунос олимларининг ёрдамига катта эҳтиёж сезилади.

Давлат тили масаласи ҳукумат даражасидаги муаммога айланган бугунги шароитда ўзбек тилининг нуфузини оширишга барча соҳа

сом, учувчи ва бошқа эл ардоғидаги кишиларни таклиф қилиб, уларнинг тилга муносабатини намоён қилиш керак; атамашунослик бўйича ҳам соҳа мутахассислари ва олимлардан таклифлар йиғиш ва умумлаштириш лозим.

Шоиримиз Эркин Воҳидов ўзининг “Сўз латофати” асарида: “Она тили умуммиллат мулкидир. Демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир” деган эди. Географик объектларнинг номлари, атамалар, шахс номлари, ташқи ёзувлар ва нейминг хизматларини ривожлантириш учун ҳудудлардаги маслаҳатчилардан ҳам таклиф ва ташаббуслар берилиши, соҳавий луғатлар яратиш ишларига ҳисса қўшиш зарур.

Яқунланаётган йилда ўзбек тилининг мамлакатимизда ва хорижий давлатларда нуфузини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди, жумладан, лотин алифбосида иш юритиш бўйича вазирлик ва идораларда катта ижобий натижаларга эришилди. Келгуси йил учун ҳам амалий аҳамияти юқори бўлган самарали режалар тузиш, бугунги тил сиёсатини яхши англаган ҳолда фаолиятни давом эттириш давлат тилининг юртимизда тўла амал қилинишига хизмат қилади.

**Соҳибжамол ТОНГОТАРОВА,**  
**Фарғона вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича маслаҳатчиси**

Фикр

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги



## ШАРАФЛИ ИШИМИЗНИ МУКАММАЛ БАЖАРАЙЛИК

*Таниқли рус шарқшуноси ва навоийшуноси Евгений Бертельснинг куйидаги сўзлари ярим асрдан буён юртимиз узра жсаранглаб турибди: “Навоий ижоди музей кўргазмаси ҳам, тарихнинг парчаси ҳам эмас. У яшамоқда ва яшайверади. Биз уни ўрганяемиз, АММО ЖУДА КАМ ЎРГАНЯПМИЗ. Ўзининг улуг фарзанди хотирасини кўз қорачигидай асраб-авайлаш ва унинг асарларини ўқиш, ўрганиш ўзбек халқининг шарафли ишидир”.*

Биз таниқли олим таъкидлаган шарафли ишимизни тўлақонли бажараяп-мизми? Тўғри, ҳар йили навоийхонлик ўтказаяпмиз, Ҳазрат Навоийга бағишланган илмий мақолалар, асарлар ёзаяпмиз, фильмлар яратаяпмиз... Лекин улар қандай савияда, тарих ҳақиқатига мосми? Узок вақтдан буён телеканаллари-мизда “Навоий” видеофильми намойиш этиб келинади. Унинг охириги қисмини кўрганда ҳали ўзгартиришмабди дея хаёлга толаман.



Ҳазрат Навоий “Хамса”-ни 1485 йилда ёзиб тугатганини, Султон Ҳусайннинг набираси, Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин Мирзо 1497 йилда қатл этилганини юкори синф ўқувчилари ҳам яхши билишади. Фильмда олдин Мўмин Мирзо қатл этилгандан кейин юзага келган можаролар кўрсатилади. Кейин Ҳазрат Навоий ёзиб тугатган “Хамса”-сини Султон Ҳусайнга тақдим этади. Султон Ҳусайн тимсолини яратган таниқли актёримиз Зикир Муҳаммаджонов “Хамса”ни олиб, варақлаб ўқийди:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,  
Айладим ул мамлакатни яққалам.*

Бу байт Ҳазрат Навоийнинг “Хамса”сида эмас, 1499 йилда ниҳоясига етказган “Лисон ут-гайр” достонида ёзилган. Томошабинларни чалғитмаслик учун ё бу кўринишни олиб ташлаш керак, ёки Зикир Муҳаммаджонов овозини ўхшатадиган актёрга “Хамса”нинг биринчи достони – “Ҳайрат ул-аброр”-дан бир байт ўқитиб, ўрнига қўйиш мақсадга мувофиқ. Бу куйидаги байт бўлса айни муддао.

*Бўлмаса эъжоз мақомида назм,  
Бўлмас эди Тенгри каломиди назм.*

Кейин бу кўринишни фильмнинг 1485 йиллар тасвирланган жойига кўчириш лозим. Ҳозирги замонавий техникалар даврида бу юмуш қийинчилик туғдирмайди. Муҳими, тарих ҳақиқати тикланади, биз шарафли ишимизни бажарган бўламиз.

**Асрор МўМИН,**  
шоир ва таржимон,  
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

## “ТИЛСИЗ ЁВ”ГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ



*Маълумки, қиш фасли иситиш муаммоси билан боғлиқ ходисаларнинг тез-тез содир бўлиши сабабли, йилнинг энг ташвишлимавсуми ҳисобланади. Бу даврда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаслиги оқибатида ёнгинлар билан боғлиқбахтсиз ҳодисаларнинг рўй бериши кўпаяди. Шу боис, қиш мавсуми олдида ёнгинларнинг олдини олиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида республикада 2022 йил 15 ноябрь – 15 декабрь кунлари “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилмоқда.*

Жорий йилнинг ўтган 10 оyi мо-байнида республикамиз ҳудудида 8 228 та ёнгин қайд этилиб, улар оқи-батида 71 нафар инсонлар ҳалок бўл-ган, содир бўлган ёнгинларда 151 нафар инсонлар турли тан жароҳат-лари олишган, ҳамда ёнгинлардан кўрилган моддий зарар миқдори 170 млрд. сўмдан зиёдни ташкил этган.

Бундан ташқари, жорий йилнинг шу кунига қадар маиший газ асбоб ускуналаридан нотўғри фойдала-ниш оқибатида, ҳаво-газ аралаш-масининг чакнаши билан боғлиқ 70 таҳолатларда 112 нафаркиши жа-роҳатланган ва 5 нафари ҳалок бўл-ган. Ис газидан заҳарланиш асосан кўп қаватли уйлар хонадонлари ва якка тартибдаги уйлардаги иситиш печлари ва дудбуронларига, ша-моллатиш каналларига ўз вақтида

малакавий техник хизмат кўрсатил-маганлиги, ностандарт печларга ўзбошимчалик билан газ манбааси-ни мослаштириб, дудбуронларни нотўғри ишлатилганлигисабаб бўл-моқда. Шу боис, турар жой фонди-даги иситиш ускуналари, дудбу-ронлар, шамоллатиш каналларини вақти-вақти билан техник тафтиш-дан ўтказиш, сифатли профилакти-ка хизматини кўрсатиш бўйича ти-зимли ишларни йўлга қўйишимиз лозим ва бу борада аҳоли ҳам бефарқ бўлиши керак эмас, аҳоли орасида маҳалла фаоллари билан “хонадон-бай”, “маҳаллабай” биргаликда ту-шунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда.

**Р. ТУРСУНОВ,**  
**Р. САДИКОВ,**  
ФВВ инспекторлари

\*\*\*

Сергели тумани фавкулудда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан ҳам юзага келиши мумкин бўлган ёнгинларни олдини олиш мақсади-да профилактик тадбирлар мунта-зам ўтказилиб келинмоқда. Туман газ таъминоти, ҳудудий электр тар-моқлари ва бошқалар билан ҳамкор-ликда кўп-қаватли, якка тартибдаги хонадонларда уйма-уй юриб, ту-шунтириш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, тумандаги ДМТТ, умумтаълим мактаби, касб-хунар мактаблари, оилавий поликлиника, қурилиш ва ишлаб чиқариш объ-

ектларида ўрганиш, учрашувлар ўтказилиб ишчи ходимлар билан фавкулудда вазиятларда ва ёнгин-да қандай ҳаракатланиш борасида йўриқнома ўтказилди. Олиб борил-ган барча тарғибот тушинтириш ишлари давомида ўзида ёнгин ва фавкулудда вазиятлар қоида та-лабларини акс эттирувчи эслатма ва флаерлар ишчи хизматчиларга тарқатиб борилмоқда.

**Ибодулла ЖУМАЕВ,**  
**Сергели туман ФВВ**  
инспектори,  
лейтенант



# КИНО — ИБРАТ

*Адабиёт, театр ҳамда кино инсон маънавиятининг шаклланишида катта таъсирга эга. Телевизион пропагандалар ҳақида гапира туриб, биз кўп ҳолларда янгиликлар ва ток-шоуларни назарда тутамиз. Аслида кино, тарғибот усули сифатида, ўта даражада самарали.*

*У жуда юқори ҳиссий таъсир ўтказиш кучига эга бўлиб, фильм ижодкорлари ҳар қандай тарихий воқеа ёки шахсни осонликча керакли бўёққа бўяши мумкин. Бунда пропаганда инсонга пинҳоний, эмоционал даражада таъсир қилади.*

Мана шундай таъсир кучига эга фильмлари билан муҳлислар қалбидан муносиб ўрин эгаллаган режиссиёрламиз талайгина. «Суд куни» (1983), «Қалдирғоч» (1988), «Аскар эртаги» (1989), «Абдуллажон ёки Стивен Спилбергга хат» (1991), «Бомба» (1995), «Истайман» (1996, биринчи ўзбек-япон фильми), «Кичкина табиб» (1997), «Аёл зоти» 24 серияли телесериали (1998, ЮНЕСКО ва Буюк Британия), «Ойи-жон» (2000), «Осмондаги болалар-1» (2002), «Калиш» (2002), «Осмондаги болалар-2» (2003), «Ўзимизнинг одам» 10 сериялик телесериали (2004, СТС, НТВ, Россия), «Ватан» (2006), «Суиқасд» (2006), «Ярим ойли шарқий дарвоза» (2008), «Куз» (2008) каби фильмларни бирор марта бўлса ҳам кўрмаган юртдошимиз бўлмаса керак.

Булар «Мехнат шухрати» ордени, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвони билан тақдирланган Зулфикор Мусоқовнинг умрбоқий кинофильмларидир. Кенг томошабинлар Зулфикор Мусоқов томонидан янги фильм ишланибди деган гапдан хабар топса албатта уни топиб, бир маротаба бўлсада томоша қилгиси келади. Бунинг сабаби режисёр юқоридагидек халққа яқин фильмлари билан томошабинлар синовидан ўтгани бўлса керак. Шу ўринда кино муҳлисларини қувонтира оладиган яна бир қувончли хабарни етказишдан ўзимизни бахтиёр сезамиз.

Куни кеча Киночилар уйида “Мусоқов” бренди остида катта экранга чиқадиган навбатдаги “шедевр”нинг ёпиқ намоиши бўлиб ўтди.

“Касаллик тарихи” деб номланган ушбу фильмда айбдорга айланиб қолаётган шифокор ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм воқеаларига кўра Республикада ягона «КАРДИОЛОГИЯ МАРКА-ЗИ»да фавкулудда воқеа содир бўлади. Юрак хуружидан операциясидан маълум вақт ўтгач бемор тўсатдан вафот этади. Операцияга бошчилик қилган Республикада машхур жарроҳ-кардиолог Нуров шу сабабли ишдан ҳайдалади ва уни ОАВ ўз касбига нўноқ шифокор деб баҳолаган танқидий мақола чоп этилади. Қаттиқ тушкунликка тушиб, шифокорлик билан ортиқ шуғулланмасликка аҳд қилган Нуровни шаштидан қайтариш учун келган ҳамкасблари ҳам бунга чора топиша олмайдди.

Бемор ўлимнинг аниқ сабабини келтира олмаган шифокорнинг ўз уйига яшириниб олганини кўрган томошабинларда унга нисбатан нафрат уйғониши табиий. Аммо фильм сўнгида вафот этган бемор юқори мартабали амалдор экани ва у шифохонага келтирилганида қаттиқ сархуш экани ойдинлашади. Уни шифохонага олиб келганлар барчадан беморнинг маст ҳолатда келтирилганини сир тутишни талаб қилгани ошкор

бўлади.

Бу кино орқали одамларга яхшилик қиламан, деб ўз касбига садоқат билан фаолият юритаётган шифокорларнинг айрим кимсалар томонидан айбдорга айланиб қолаётганини кўрсатиб бериш мақсад қилинган ва қойилмақом тарзда бунинг уддасидан чиқилган. Ўйлаймизки, бу филм кино ихлосмадларига албатта манзур бўлади.

Кино борасида сўз очган эканмиз, миллий сериалларимиз хусусида ҳам айтиб ўтишни жоиз деб топдик. Сўнги вақтларда урфга кирган қайнона-келин можаролари, ёшларнинг бир-бирига хиёнати мавзу қилиб олган, ўхшаш томонлари кўп бўлган сериаллардан кўпчилик зерикди. Кўплаб томошабинлар ўртасида миллий сериалчилигимиз сифати кескин тушиб кетаётгани, ҳатто ҳаваскорлар томонидан ҳам кино санъатидан мутлақо беҳабар “актёр” ва “актриса”лар иштирокида ўхшамаган сериаллар олинаётгани ва булар телеэкранларда қайта-қайта эфирга узатилаётгани ҳақида танқидий фикрлар ортди.

Ёшларимиз эса хориж фильмларидаги қахрамонларга эргашмоқдалар. Ижодкорларимиз томонидан ватанпарварлик руҳидаги сериаллар олинмаётгани кўпчиликни ўйлантираётган эди. Аммо эски сериаллардан тубдан фарқ қиладиган, янги кўринишдаги ва янги Ўзбекистонимизнинг янги услубда яратилган биринчи лойиҳаларидан бири бўлган “Офицер 55” номли, 10-қисмли сериал суратга олинди. Ўзбекистон кинематография агентлиги ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ҳамкорлигида ишланган мазкур фильм томошабинлар кўнглидаги кемтикликни тўлдирди оладиган, маънавий озук бериб, юртга садоқат ҳиссини оширишга хизмат қилиши кутилмоқда.

10-қисмли сериал ички ишлар органлари фаолиятини кенг очиб бериб, ўзига хос оғир хизматда уларнинг ушбу вазиятдан қандай чиқиши, ҳалқимиз тинчлиги ва осойишта ҳаёти учун жонини беришга тайёр эканлиги, уларнинг профессионал тайёргарлиги ва президентимизнинг мазкур соҳага қаратаётган эътиборлари ва олиб борилаётган катта ислохотларини очиб беради. Фильмнинг асосий мақсади ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, наркотрафикнинг исканжасига тушмасликлари, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, уларни профессионал кадр этиб тайинлаш, қолаверса мазкур соҳага қизиқишини оширишдан иборат. Воқеалар Тошкент шаҳрида юз беради.

Тошкент шаҳар ИИББ жиноят қидирув тезкор вакили капитан Рустам Қодиров профессионал тайёргарликка эга,

мазкур соҳада ўзига хос тажриба ва тактикага эга ходим. Барча оғир жиноятларни тез ва иссиқ изидан очиш борасида касбдошлари орасида хурмат қозонган бўлиб айниқса, унинг раҳбари жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи, подполковник Равшан Ўринов унинг иқтидорига кўп йиллардан бери ишонади ва унга энг муҳим вазифаларни топширади.

Капитан Рустам Қодировга шаҳарда номаълум сабабларга кўра ваҳшиёна ўлдириб кетилган таниқли бизнесмен оиласининг қотиллик жиноят ишини очиш топширилади. Оиланинг 3 нафар аъзоси ўлдирилиб, 6 ойлик чақалоқ ўғирлаб кетилган. Ҳаёт тажрибасида бундай жиноятга дуч келмаган капитан Қодиров дарҳол ишга киришади. Аммо жиноятчи ҳам оддий эмас, профессионал бўлиб, ўзидан из қолдирмайдиганлардан. Капитан Қодиров ишга қанчалик киришгани сари, мазкур жиноят орқали бошқа жиний қилмишлар ва гуруҳлар аъзолари аниқланади. Иш шу даражага такаладики, капитан Қодиров боши берк кўчага кириб қолади, мазкур жиноят билан унинг ўтмиши боғлиқлиги маълум бўлади. Мазкур гуруҳлар ортида капитан Қодировга тегишли бўлган шахслар номён бўлади.

Қодировнинг ҳамкасби катта лейтенант Лола Махсудова, ўзига ишонган, иродали ва ғайратли ходим. Капитан Қодиров билан кўп йиллардан бери хизмат қилади ва унга хурмати чексиз. Аммо катта лейтенант Махсудова ишга киришиб мазкур ишда айнан капитан Қодировнинг ўзи аралашганликда гумонлари пайдо бўлади ва ҳамкасби майор Усмонов Санжар билан бирлашади.

Майор Усмонов ўз устида ишловчи, ўзининг тактикасига эга, иқтидорли тезкор вакил бўлиб, капитан Қодировни олдиндан суймайди. Иш чигаллашиб, орага капитан Шерзод Сиддиқов киради. Капитан Қодиров жиноятни очишга қанчалик ҳаракат қилмасин, жиний гуруҳ унинг режаларидан аниқ вокиф бўлаётганликларини ва вақтида чора кўраётганликларини тушуниб этади. Капитан Қодиров ўзининг ичида “каламус” борлигини лекин айнан ким эканлигини аниқлашга киришади. Катта лейтенант Лола Махсудова, майор Усмонов, капитан Сиддиқов, ҳатто бошлиқ подполковник Равшан Ўриновда шубҳа уйғонади.

Бундан ҳам қизиқарли саҳналарни сиз сериални томоша қилиш жараёнида учратасиз. “Офицер 55” сериали такдими январь ойида бўлиши кутилмоқда.

**Қамолiddин  
РЎЗИМАТОВ**



## Муассислар:

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология ва  
атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш  
давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар  
ҳаракати —  
Ўзбекистон  
Либерал-демократик  
партияси.

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкilotлари миллий  
ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат  
палатаси.

**Бош муҳаррир  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ**

Газета таҳририятнинг  
компьютер бўлимида  
саҳифаланди.  
“Шарк” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.  
Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1208  
Адади: 1515.

Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигида  
2006 йил 0010-рақам билан  
рўйхатга олинган.

**ISSN 2010-7722**

Газетанинг полиграфик  
жихатдан сифатли чоп  
этилишига “Шарк” нашриёт-  
матбаа акциядорлик  
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:

20:00

1 2 3 4 5 6

QISHLOQQURILISHBANK



8-DEKABR  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
**KONSTITUTSIYASI KUNI**  
MUBORAK BO'LSIN!

**QUANT**  
Bank qo'lingizda bo'ladi!

qqb.uz 1254

## ЖЧ-2022: ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЖАМОАЛАР ҚАНЧА ПУЛ ИШЛАБ ОЛАДИ?

Жаҳон чемпионати мусобақаларида иштирок этган ҳар бир жамоага ФИФА томонидан пул мукофоти бериш кўзда тутилган. Ушбу тартиб Қатар мусобақаларида ҳам сақланиб қолган ва бу галги мукофот пуллари миқдори аввалги чемпионатларга қараганда анча кўп бўлиши айтилмоқда.



**FIFA WORLD CUP  
Qatar 2022**

ФИФА тарқатган маълумотларга кўра, ЖЧ-2022 саралаш ўйинларида иштирок этган жамоаларга 1,5 миллион доллардан бериш кўзда тутилган. Ушбу маблағ жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўриш харажатларини қоплаш учун ажратилади.

Гуруҳ босқичи ва плей-офф учун кўзда тутилган бонуслар

Гуруҳ босқичида иштирок этиб, лекин гуруҳдан кейинга босқичга чиқа олмаган ҳар бир жамоа 9 миллион доллардан олади.

Финалнинг 1/8 босқичидан ўта олмаган терма жамоа 13 миллион доллар билан кифояланади.

Финалнинг 1/4 босқичида имкониятни бой берган ҳар бир терма жамоага 17 миллион доллардан ажратилган. Ярим финалда ютқазиб, учинчи ўрин учун ўйнаган жамоага 25 миллион доллар тўланади. Учунчи ўринни эгаллаган жамоа эса 25 миллионга қўшимча равишда яна 2 миллион доллар олади.

Энди финалчилар ҳақида: финалда иштирок этган икки жамоага 30 миллион доллардан ажратилган. Ниҳоят, ЖЧ-2022 ғолиби барча босқичлардан муваффақиятли ўта олгани учун 42 миллион доллар билан тақдирланади.

Аввалги жаҳон чемпионатида бонуслар миқдори қандай эди?

Бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионатларида ғолиб жамоанинг пул мукофоти ҳар сафар ортиб бормоқда. Масалан, 2006 йилги жаҳон чемпионати ғолиби Италия терма жамоаси турнирда 20 миллион доллар ишлаб олган эди, 2010 йилдаги жаҳон чемпионатида Испания ғолиб бўлди ва жамоа уйига 30 миллион доллар билан қайтди, 2014 йилги турнир ғолиби бўлган Германия 35 миллион мукофот пулини олган бўлса, 2018 йилда жаҳон чемпиони бўлган Франция олган мукофот пули 38 миллион долларни ташкил этган.

Қатарда кечаётган жаҳон чем-

пионатида бериладиган пул мукофотлари рекорд даражада, яъни тахминан 1 миллиард доллар атрофида бўлмоқда. Ушбу сумма 2014 йилда Бразилияда кечган жаҳон чемпионатидаги пул мукофотидан қарийб икки баробарга кўп. Бразилия турнирида жами тўловлар 576 миллион долларни ташкил этган эди. 2006 йилда (Германия) жами мукофот пуллари 282 миллион долларга етган, халос, 2010 йилдаги (ЖАР) жаҳон чемпионатида иштирокчилар жами 420 миллион долларни иштирокига қараб тақсимлашган, 2018 (Россия) йилдаги жаҳон чемпионатида ФИФА жами тўловларни 791 миллион долларга етказди.

Қатарда бўлиб ўтаётган ЖЧ-2022 мусобақалари ҳам аллақачон финал босқичига ўтди. Ҳадемай чемпионатнинг ғолиби маълум бўлади. Қутилганидек, ғолиб жамоа нафақат мухлислари билан чемпионликни нишонлайди, балки ўзларини катта миқдорда мукофот пули билан ҳам хурсанд қилади.

С.РАҲИМОВ,  
ЎЗА